

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“Ишлаб чиқаришда бошқарув” факультети

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

“Ҳимояга руҳсат этилди”

Кафедра мудири
доц. Тошпўлатов О.

“___” _____ 2013 йил

5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишлари (Олтиарик тумани фермер хўжаликлари мисолида)

Талаба:

А. Холматов.
56-09 гуруҳ талабаси

Битирув малакавий ишига
раҳбар маслахатчи

проф. Д.Кудбиев.

Фарғона - 2013

МУНАДАРИЖА:

Кириш

- I боб. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўналишлари
 - 1.1. Ўзбекистонда иқтисодни модернизациялаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиши
 - 1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг назарий асослари
 - 1.3. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос жиҳатлари
- II боб. Олтиариқ тумани фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлил жараёни ва уни ўтказиш масалалари
 - 2.1. Фермер хўжалигида асосий воситаларнинг ҳисоби
 - 2.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш.
 - 2.3. Фермер хўжалигида тайёр маҳсулотларни ва сотишни ҳисобга олиш хусусиятлари
- III боб. Фермер хўжаликларида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш масалалари
 - 3.1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоботларини тузиш хусусиятлари
 - 3.2. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муаммолари ва ечимлари

Кириш

Ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ жойларида ташкил этилган мева–сабзавотчиликка ихтисослашган хўжалик субъектларини давлат томонидан қўллаб–қувватлаш ва уларни ривожланишига кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳукумат томонидан бир қатор ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар республиканинг барча ҳудудларида дехқончилик, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш мақсадида ушбу тизимни чуқур ислоҳ қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Янги ташкил этилган фермерлар кенгашлари фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлиши, уни қишлоқни ривожлантириш ва шу аснода қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қудратли ижтимоий-иқтисодий механизмга айлантириш мақсадга мувофиқ. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, 2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

2013 йилда миллий иқтисодиётни 8 фоизга, саноат 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, капиталга инвестициялар ҳажмини 11 фоизга ва хизмат кўрсатишни 16 фоизга ошириш зарур.

Ҳизмат соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Ўтган йилларда қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалланинг барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, картошқачилик, сабзавотчилик, узумчилик ва

чорвачиликни жадал ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш йўналишидаги ислохотлар ва ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, мамлакатда қулай инвестиция муҳитини юзага келтириш баробарида янги иш ўринларини барпо этиш билан аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ҳаёт фаровонлигини юксалтиришда юқори марраларни эгаллашга шарт-шароит яратмоқда. Бу масалаларнинг долзарблиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда янада яққол намоён бўлмоқда.

Иқтисодий тизимда юз бераётган ўзгаришлар ва ислохотлар республикамиз ҳисоб тизимини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда. Айниқса, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг изчиллик билан амалиётга жорий этилаётган муҳим аҳамиятга молик. Бухгалтерия ҳисобидан ички ва ташқи фойдаланувчилар доираси кенгаймоқда, инновация ва интеграция жараёнлари чуқурлашмоқда, халқаро сармояларнинг миллий иқтисодиёт тармоқларига жалб этилаётганлиги каби омиллар бухгалтерия ҳисобининг янада такомиллашуви, унинг халқаро андозаларидан фойдаланиш жараёнларини жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар таъсирида бухгалтерия ҳисоби олдида янги вазифалар қўймоқда. Шу билан бирга, тобора ривожланиб бораётган фермерлик тизимидаги ҳисоб жараёнларини янада тўлиқ ва аниқ акс эттириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби, уни ташкил этишнинг долзарб масалаларнга бағишланган бир қатор илмий ишлар мавжуд. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодий асослари ва уларни тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари хорижий олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, россиялик олимларидан В.М.Баутин, И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Е.Оглоблин, Ушачев, М.Г.Назаров ва ўзбекистонлик олимлардан А.В.Вахабов, Ё.А.Абдуллаев, Н.М.Соатов,

Р.А.Абдуллаев, А.М.Жўраев, Р.Ҳ.Ҳусанов, Р.Дўстмуродов, Қ.А Чориев, Н.С Хушматов ларнинг илмий ишларида ўрганилган. Соҳадаги бухгалтерия ҳисобининг долзарб назарий-амалий масалалари мамлакатимизнинг етакчи олимлари Қудбиев Д., Жўраев Н., Тўлахўжаева М., Маматов З., Исманов И. ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Аммо мазкур илмий-ишларда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида фермер харажатлари ва даромадларини холис баҳолаш ва ривожлантиришда молиявий ҳисобнинг роли тўлиқ ва етарли даражада очиб берилмаган.

Мазкур битирув малакавий ишнинг мақсади мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Малакавий ишнинг предмети бўлиб бозор шароитида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида хўжалик операцияларини ҳисобга олиш ва ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуаси ҳисобланади. Ишнинг объекти бўлиб Фарғона вилояти Қува туманида фаолият кўрсатаётган аграр ишлаб чиқариш корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда давлатнинг аграр сиёсати ҳамда ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ўрганиш;
- бухгалтерия ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари ва умумий масалаларини тадқиқ этиш;
- қишлоқ корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг шакллари ва ёндашувларининг қиёсий тавсифлаш;
- Фермер хўжаликларида ҳисобни ташкил этиш хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Қува туманидаги фермер хўжаликлари мисолида ҳисоб жараёнининг амалий жиҳатларини таҳлил этиш ва баҳолаш;

- Фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни тузишда мавжуд муаммолар ва уларни этиш йўналишларини аниқлаш;
- Фермер хўжаликларида хўжалик операциялар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Ушбу битирув малакавий ишнинг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишнинг асосий қисмида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда қишлоқ хўжалиги корхоналарида стратегик режалаштириш, ушбу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда шу йўналишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг йўл-йўриқлари билан боғлиқ масалалар батафсил баён этилган.

Мазкур тадқиқот ишини бажаришда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан, мамлакатимизнинг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги етук олимлари ва мутахассисларининг илмий-тадқиқот ишларидан, илмий-ўқув адабиётлардан ҳамда оммавий нашрларнинг материалларидан фойдаланилган. Мазкур ишда келтирилган маълумотлар Фермерлар Кенгаши Фарғона вилояти бўлими, Давлат статистика қумитаси, аудиторлик компанияларининг ҳисоботлари, корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари каби манбалардан олинган.

I боб. Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар

ва Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг ривожланиши

1.1. Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик ва аграр соҳанинг ривожланиш динамикаси

Маълумки, Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари йилдан-йилга ижобий кўриниш олмоқда.

Ялпи ички маҳсулот 2012 йилда 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати пргноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, деҳқонлар, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир.


Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Фермер хўжаликлари сони 2013 йил 1 январ ҳолатига 66 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда.

Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгаллик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтди.

1996 йилдан 2012 йиллардаги даврлар маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, республика ЯИИМда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг салмоғи 22,4 фоиздан 17,5 фоизгача, яъни 4,9 фоизга камайган. Хусусан, аграр секторда маҳсулот ишлаб чиқариш 2000 йилда - 3,4 фоиз, 2001 йилда - 4,2 фоиз, 2007 йилда 6,5 фоиз, 2008 йилда 4,5 фоизга, 2010 йилда 6,8 фоизга ва 2012 йилда 7 фоизга ўсди. Аграр соҳага киритилаётган инвестициялар миқдори эса 1,3 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Бу эса республика аграр секториди, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тармоққа киритилувчи инвестициялар ҳажми қисқарганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишидан далолат беради.



1.1-расм.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Агар 1999 йилда тизимига киритилган инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигининг улуши 8,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда қарийб 5 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар орқали эришилган натижалари тўғрисида тўхталар экан, Президентимиз: “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секториди таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда”¹.

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор

¹ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи № 16 (5183). 22 январ 2011 йил

конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжалиklarининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Мамлакатда фермер хўжалиklarини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Фарғона вилоятида ҳам фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Натижада уларнинг фаолият самарадорлиги кўпаймоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. 2010 йилда уларнинг сони 81.5 мингдан зиёдни ташкил этди. Маълумки, Қува тумани аҳолиси энг зич туманлардан ҳисобланиб, бугунги кунда ушбу туманда 225 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Фермер хўжалиklари сони 2009 йилга нисбатан 2012 йилда 430 тага кўпайиб, жами 8604 тани ташкил этади.

2011-2012 йй.да пахта ҳосилдорлиги 1,03 фоизга ортиб, гектарига 32.2 ц. ни ташкил этган. Бошоқли дон экинлари 103.7 фоизга ўсгани ҳолда, ҳосилдорлик 1.6 фоизга ортган.

Қува туманидаги фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар
тўғрисида МАЪЛУМОТ

Кўр саткич	Фермер хўжаликлар										
	Майдон (га)				Ялли ҳосил (тн)				Ҳосилдорлик (ц/га)		
	011 й	012 й	+: -)		011 й	012 й	+: -)		011 й	012 й	+: -)
Пахта	250	250			5756	6602	46	.2	1,2	2,2	.0
Жами дон	595	639	4	00,7	6713	8090	377	03, 8	3,2	7,3	,1
Бошқоқли дон	585	639	4	00,8	6651	8011	360	03, 7	5,7	7,3	,6
Мева	300	554	300	250	0814	3761	947	07, 2	17,3	34,5	7,2
Узум	59	73	4	08.8	333	599	66	11, 4	79,5	89,7	0,2
Сабзавот	30	17	87	43,8	124	992	868	23, 8	01,6	10,7	,1
Қартошка	83	10	73	4,2	774	199	25	07, 4	76,0	48,9	2,9

Туманда жами дон экинлари ҳажми 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 3.8 фоизга ортиб, ўртача ҳосилдорлик 57.3 ц. ташкил этган. Картошка етиштиришда туман фермерлари вилоятда энг яхши кўрсаткичга эга бўлишган, яъни гектаридан қарийб 250 ц. ҳосил олишган

Бу кўрсаткичлар бевосита Қува туманидаги фермер хўжаликларининг вилоят миқёсида тутган салмоқли ўрни ва аҳамиятини кўрсатади.

1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкиллашнинг назарий асослари

Ҳар қандай ишлаб чиқариш мавжуд бўлган жойда, мулк шаклидан қатъий назар хўжалик жараёнлари амалга оширилади ва уларнинг таркиби ҳамда мазмунига қараб бошланғич ва натижавий хужжатлар расмийлаштирилади,, яъни бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ҳар бир хўжаликда мавжуд маблағлар, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, уларни сотиш, молия натижаларини аниқлаш, таъминотчи ва буюртмачи ташкилотлар билан ҳисоблашишлар, молия суғурта, банк муассасалари, инвесторлар билан ҳисоблашишлар амалга оширилади. Бутун дунёда ҳар бир мустақил корхона, ташкилотда хўжалик ҳисоби юритиладики, у қуйидаги турларга бўлинади:

- тезкор ҳисоб;
- статистика ҳисоби;
- бухгалтерия ҳисоби.

Бухгалтерия ҳисоби ўз фаолиятини амалга оширишда мавжуд маблағларни ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини алоҳида бўлиб ҳисобга олади.

Фермер хўжаликларидаги хўжалик маблағлар:

1. Меҳнат қуроллари

2. Меҳнат буюмлари

3. Муомаладаги маблағлар.

Меҳнат қуроллари таркибига доимий активлар, меҳнат буюмларига моддий қийматликлар, муомаладаги маблағларга эса пул маблағлари ва турли қарзлар киради.

Фермер хўжаликларидаги маблағларнинг ташкил топиш манбаларига қуйидагилар киради:

1) ўз маблағлари;

2) четдан жалб қилинган маблағлар;

3) тақсимот бўйича мажбуриятлар.

Ўз маблағларига устав фонди; асосий воситаларнинг эскириши; фойда, тақсимланмаган фойда.

Четдан жалб қилинган маблағларга қисқа ва узоқ муддатли қарзлар ҳамда кредитларлар киради.

Тақсимот бўйича мажбуриятлар: ишчилардан иш ҳақи юзасидан қарз, суғурта ташкилотларидан қарз, молия ва солиқ ташкилотларидан қарз. Фермер хўжаликларидаги хўжалик маблағлари ва маблағларнинг ташкил топиш манбаларининг суммаси доимо бир-бирига тенг бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби ўз фаолиятини қуйидаги усулларда амалга оширади:

1) ҳужжатлаштириш ва инвентаризация; 2) баҳолаш калькуляция;

3) счет ва иккиёқлама ёзиш; 4) баланс ва ҳисобот.

Ҳужжатлаштириш - хўжалик муомалаларини бошланғич ҳужжатларда акс эттиришдир. Ҳужжатлар хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисоби дафтарларига ёзишга, хўжалик фаолиятини кузатиш асос бўлиб хизмат қилади. Ҳужжатларда хўжаликда бир ёки бир нечта муомалалар содир бўлган вақтда миқдорий жиҳатдан акс эттирилади. Бухгалтерия ҳужжатларининг тузилиши хўжалик фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисоби ўз фаолиятини ҳужжатлаштиришдан бошлайди. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар содир бўлган муомалаларни тасдиқловчи бўлиб

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳужжатда ҳужжатларнинг номи, сони, бажарилаётган муомалаларнинг қисқача мазмуни, уларнинг миқдори, олувчи-берувчиларнинг имзоси кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳужжатлари бир йил давомида бухгалтерияда сақланади. Ҳужжатлар тафтиш ўтказилгандан кейин улар ҳужжатлар сақланадиган тегишли (архив) жойда сақланади. Айрим ҳужжатлар, айниқса меҳнат ҳақи ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар доимо сақланади.

Айрим жараёнларни тўғри ҳисобга олиниши ва ҳужжатлаштирилишини текшириш учун инвентарлаш амалга оширилади. Инвентарлаш икки хил: режали ва режасиз усулда ўтказилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги ўзига тегишли маблағларни ҳисобга олиш учун уларни тегишли нархда баҳолаб олади. Хўжаликлардаги мавжуд асосий воситалар ва айланма маблағлар баҳоланиб, балансда акс эттирилади. Агарда четдан сотиб олинган бўлса, у ҳолда сотиб олиш баҳосида (ҳақиқий таннархда); ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўлса, йил давомида режа таннархида, йил охирида эса ҳақиқий таннархда ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: оддий; коэффицентлик; норматив; сотиш баҳосга қараб.

Хўжалик муомалаларининг ҳаракати счетлар орқали, гуруҳларга бўлиб ҳисобга олинади ҳамда иккиёқлама ёзув асосида расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳисоб счетларининг чап томони «Дебет» ўнг томони эса «Кредит» деб юритилади. Маблағлар ҳамда уларнинг манбалари алоҳида счетларда ҳисобга олинади.

Ҳар бир моддий активни аниқроқ ҳисобга олиш учун алоҳида аналитик счетлар юритилади. Аналитик счетларда хўжалик маблағларининг ҳар бир тури миқдор ва сўм жиҳатидан ҳисобга олади.

Бухгалтерия ҳисобининг счетлари балансда жойланишига қараб икки гуруҳга бўлинади: 1) актив; 2) пассив.

Ташқи кўринишидан актив ва пассив счетлар бир-биридан фарк қилмайди. Улар ҳисобга олишига қараб фарқланади. Актив счетлар - хўжалик маблағларининг ҳолатини ва ҳаракатини ҳисобга олувчи счетлар.

Пассив счетлар - хўжалик маблағлари манбаларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олувчи счетлардир.

Актив счетларнинг биринчи ёзуви дебет томонида ёзилади, йил охирига қолдиқ ҳам дебет томонида қолади. Актив счетларнинг дебет томони кўпайишни билдирса, кредит томони камайишни кўрсатади. Шундай қилиб, счетларининг йил охиридаги қолдиғи дебет томонидаги бошланғич қолдиққа йил давомидаги дебет томонида ёзилган суммалар йигиндисини қўшиб, кредит томонида ёзилган суммаларни айириш йўли билан топилади.

Хўжалик маблағлари ва маблағларининг келиб чиқиш манбалари доимо ҳаракатда, яъни, маблағлар қаерга сарфлангани ёки қаердан қабул қилинганлиги икки томонли мазмунга эга. Жаҳон бўйича қабул қилинган икки ёқлама ёзув бухгалтерия ҳисобида асрлар давомида қўлланилиб келмоқда. Ҳар қандай хўжалик муомаласи содир бўлганда иккита счет қатнашади ёки икки ёқлама ёзув амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари ва маблағларининг келиб чиқиш манбаларини счетларда икки ёқлама ёзишни «Бухгалтерия проводкаси» деб юритилади. Бухгалтерия проводкалари оддий ва мураккаб бўлиши мумкин.

Оддий проводка деб, бир счетнинг дебетланиш ва иккинчи счетнинг кредитланишига ёки аксига айтилади.

Мураккаб проводка деб, хўжалик муомалаларининг бир суммада бир счетнинг дебетланиши ва бир неча счетнинг кредитланиши ёки бир счетнинг кредитланиши ва бир неча счетнинг дебетланишига айтилади.

1.3. Фермер хўжаликларида молиявий ҳисобнинг ўзига хос хусусиятлари

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти иқтисодиётнинг қайси тармоғига мансублигидан қатъий назар хўжалик ҳисоби тизимига асосан иш юритади. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлари мулкларининг харакатини тўлиқ, ёппасига, узулуксиз ўз усулларига асосан ҳисобга олишга асослангандир. Корхоналарда хўжалик жараёнларини кузатиш, фаолият молиявий натижасига баҳо бериш зарур бўлиб, бу заруриятни амалга ошириш учун кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кўрсаткичлар ёрдамида корхона бизнес-режасининг бажарилиши, товар-моддий захиралари меъёрига, ходимлар штат руйхати ва бошқа меъёрий кўрсаткичларига риоя этилиши шунингдек, режа (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланиши, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа) кўрсаткичлар бажаришлари назорат қилинади.

Кўрсаткичлар иқтисодий мазмунига кўра, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Миқдорий кўрсаткичлар корхона хўжалик фаолиятидаги у ёки бу жараён ҳақидаги маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги асосий ва муҳим жараёнлардан бири сотиш жараёнидир. Хўжалик юритувчи субъект халқ хўжалигининг қайси тармоғига қарашлигига кўра, сотиш жараёни кўрсаткичининг таркиби турлича бўлади. Сотиш жараёни кўрсаткичи миқдорига эса, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўлами ҳамда турли ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Хўжалик юритувчи субъект халқ хўжалигининг саноат тармоғига қарашли бўлса, сотиш жараёни кўрсаткичи мазкур корхонада сотилган тайёр маҳсулотнинг умумий миқдори, ҳамда алоҳида турлари бўйича маълумотга эга бўлиш имкониятини беради. Савдо корхоналарида сотилган товарларнинг умумий ва алоҳида турлари бўйича олинган миқдорий кўрсаткич сотиш жараёни ҳақидаги маълумотни беради. Агар корхона қурилиш ташкилоти бўлса, ушбу корхона бажарган ва сотилган

ишлари қиймати мазкур корхона сотиш жараёнининг миқдорий кўрсаткичи ҳисобланади.

Корхоналар фаолияти ҳисобини юритиш заруриятида корxonанинг хўжалик жараёнлари натижасида доимо таркибий ва миқдорий жихатдан ўзгариб борадиган хўжалик маблағлари ҳақида ҳар доимо маълумотга эга бўлиб туриш талаб этилади. Бу талабни бажариш учун эса хўжалик маблағлари ва уларни ташкил топиш манбаларни ҳисобда гуруҳлаштириб бориш ва тезкор назорат ўрнатиши керак бўлади. Бунинг учун эса бухгалтерия ҳисоби элементларидан бири счетлар тизимидан фойдаланилади. Демак счетлар тизими хўжалик маблағларни ташкил топиш манбаларини, хўжалик жараёни натижасида уларни таркибий, миқдорий ва ҳаракат жихатидан ўзгариб боришини иқтисодий гуруҳлаш ва доимо тезкор назорат қилиб боришдир.

Корхона фаолияти ёппасига, узлуксиз ҳисоб қилиб борилар экан, корхона барча мулкни кўрганиб, уларни хусусиятларини яхшилаб англаб етмоқ керакдир. Корхона мулклари ҳисоби тўлиқ юритилар экан, ҳисоб ишларини осонлаштириш, оқилона ташкил этиш мақсадида счетлар режаси ишлаб чиқилгандир. Шунинг назарда тутмоқ керакки, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши зарурий ҳол бўлганидек, счетлар янги режасини ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолди ва бу счетлар янги режаси келгусида корхоналар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Счетлар режаси 4 қисм ва 9 бўлимдан иборат. Счетлар режасининг қисмлари қуйидагилардир:

- 1-қисм. Узоқ муддатли активлар.
- 2-қисм. Жорий активлар.
- 3-қисм. Мажбуриятлар.
- 4-қисм. Хусусий капитал.
- 5-қисм. Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши.
- 6- қисм. Балансдан ташқари счетлар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик жараёнлари таъминот, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотишни ўз ичига олади.

Таъминот жараёни фермер хўжалигининг бизнес-режасига асосан амалга оширилади. Таъминот жараёни ҳисобининг асосий вазифалари эса, қуйидагилардан иборат:

- Таъминот ҳақиқий ҳажмини аниқлаш. Бухгалтерия ҳисобот даврида қабул қилинган меҳнат буюмларининг миқдори ва тури ҳақидаги ҳақиқий маълумотни беради. Ушбу маълумотлар ҳам натура, ҳам пул ўлчов бирлигида ифодаланади. Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобот даврида қабул қилинган меҳнат буюмлари ҳақидаги ушбу маълумотлари ёрдамида, уларни ҳар бир турлари бўйича таъминот жараёни кўрсаткичлари умумий бажарилиши ҳақида маълумотларга эга бўлинади.

-Қабул қилинган меҳнат буюмларининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш. Бухгалтерия ҳисоби меҳнат буюмлари ҳар бир турларини тайёрлаш юзасидан корхонанинг ҳақиқатдаги харажатларининг миқдорини аниқлайди. Бунда сотиб олинган меҳнат буюмлари таннархининг кўрсаткичи нафақат харажатлар умумий ҳажмини, балки харажатлар алоҳида турлари кўрсаткичларини ҳам ифодалайди.

Таъминот жараёнида корхона хўжалик фаолиятини давомийлиги ва ривожланиши учун зарурий маблағлар кирим қилинади. Саноат корхонасини фаолияти учун зарурий маблағлар қуйидагилардан иборат:

-узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар);

-айланма маблағлар (хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмилар, пул маблағлари ва бошқалар);

Корхоналар фаолиятида қуйидаги маблағларга ҳам зарурият туғилади: - қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (акция, облигация, қарзлар, депозитлар. ва х.к.);

-капитал қўйилмалар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида фермер хўжаликларида тайёр маҳсулот яратилади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг турига қараб

харажатлар қилинади. Мазкур харажатлар таркиби эса, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўздавистикболстат ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан қабул қилинган ва 1995 йил 1 январда амалга киритилган, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ва 2003 йилдаги қарори билан тузатишлар киритилган «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низом»да келтирилган.

Ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш учун бир қанча счетлар қўлланилиб, улардан асосийси 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» актив сметиدير. Мазкур счет ёрдамида ишлаб чиқариш умумий ҳажми аниқланди. Маҳсулот тайёр бўлганидаги сўнг эса, 2010 смети кредитдан 2800 «Тайёр маҳсулот» сметининг дебетига ўтказилади.

Сотиш жараёни хўжалик жараёнларини ичида охиргиси бўлиб, бунда ишлаб чиқариш жараёни натижасида тайёрланган маҳсулотлар сотилиб, пул кўринишида корхонага кирим қилинади. Шу билан бирга бу жараёнда сотиш натижалари аниқланади.

Хўжалик фаолияти натижасида ҳар қандай корхонада фойда ёки зарар кўриши мумкин.

Сотиш жараёнида ишлаб чиқаришда тайёрланган маҳсулотларни реализацияси рўй беради, унинг ҳисобини юритиш учун 9000 «Асосий фаолиятдан олинган даромад» смети мўлжалланган.

Маҳсулотни сотишдан олинган даромадни ҳисоби 9010 сметида, товарларни сотишдан олинган даромадларни ҳисоби 9020 сметида, ишларни бажариш ва хизмат курсатишдан олинган даромадларнинг ҳисоби эса, 9030 сметида ҳисобга олинади.

Сотилган тайёр маҳсулотларни таннархини ҳисобини юритиш учун 9110 смети, сотилган товарларнинг таннархини ҳисобини юритиш учун 9120 смети, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини ҳисобини юритиш учун эса, 9130 смети мўлжалланган.

9910- «Якуний молиявий натижа» смети ёрдамида маҳсулотни сотишдан олинган даромад ва шу маҳсулотнинг таннархи солиштирилади. 9910 сётнинг кредит қолдиғи фойдани, дебет қолдиғи эса, зарарни билдиради.

Короналарда тайёр маҳсулотда ташқари асосий воситалар, валюта маблағлари, материаллар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа активлар □ ам сотилиши мумкин. Ушбу сотиш жараёнларининг ҳисоби 9210 –«Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш», 9220 –«Бошқа активларни ҳисобдан чиқариш» сётларда акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотишдан олинган фойданинг ҳисоби 9310 сётда, бошқа активларни сотишдан олинган фойданинг ҳисоби эса, 9320 сётда юритилади.

Сотиш жараёнининг хусусияти шундан иборатки, унинг рўй бериши натижасида сотилган ативларнинг ўрнига корхонга пул маблағининг кирими амалга оширилади. Барча синтетик сётларнинг йиғма маълумотлар ёрдамида корхонанинг ҳисоботлари тузитлади. Йиллик ҳисобот шакллари куйидагилардан иборат:

1. Корхона баланси.
2. Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот.
3. Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот.
4. Пул маблағлари ҳақида ҳисобот № 4.
5. Корхона мулкининг ҳолати ҳақида ҳисобот.

II боб. Қува тумани фермер хўжаликларида ҳисоб жараёни ва уни
такомиллаштириш масалалари

2.1. Фермер хўжалигида асосий воситаларнинг ҳисоби

Асосий воситалар деб, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта қатнашиб, ўзининг қийматини аста-секинлик билан бўлиб-бўлиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига ўтказувчи меҳнат қуролларига айтилади. Асосий воситаларга мисол қилиб иморатлар, иншоотлар, машина ва ускуналар ва хоказоларни келтириш мумкин. Фермер хўжаликларида асосий воситалар хусусий ёки вақтинча четдан жалб қилинган бўлиши мумкин. Уларни аниқлаш учун тегишли гуруҳларга бўлиб ҳисобга олинади:

1) иморатлар; 2) иншоотлар; 3) машина ва ускуналар; 4) транспорт воситалари; 5) ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари; 6) кўп йиллик дарахтлар; 7) маҳсулдор ҳайвонлар; 8) ернинг ҳолатини яхшилаш учун сарф қилинган харажатлар; 9) бошқа асосий воситалар.

Юқоридаги кўрсатилган гуруҳларга мувофиқ асосий воситалар алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб борилади. Асосий воситаларни гуруҳларга бўлиб ҳисобга олиш уларнинг ҳар бири бўйича зарур бўлган маълумотларни хоҳлаган пайтда олишга имкон яратади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва маҳсулотларнинг асосий воситалардан фарқи шундаки, асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари эса бир марта қатнашади ва ташқи кўринишни ўзгартиради ҳамда ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига тўлиқ ўтказади. Фермернинг асосий воситалар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

1) бошланғич; 2) қолдиқ баҳода; 3) тиклаш ёки
бозор баҳоси (биржа, аукцион баҳоси).

Асосий воситаларнинг баланс баҳоси сотиб олиш, транспорт, ўрнатиш ва ишлатишгача бўлган харажатлар йиғиндисидан иборат. Асосий воситаларнинг қолдиқ баҳоси деб, баланс қиймати билан эскириш ўртасидаги фарқ суммасига айтилади.

Фермер хўжаликларига асосий воситалар қуйидаги манбалардан келиб тушади:

1) сотиб олиш ҳисобига; 2) қуриш эвазига; 3) ўзида етиштирилган ёш хайвонлар ёки ёш дарахтларни асосий воситаларга ўтказиш йўли билан.

Асосий воситалар бошқа ташкилот ва корхоналардан ёки аҳолидан фермер хўжаликларининг ўз маблағи ёки давлат банки қарзи эвазига сотиб олиниши мумкин. Хўжалик усулида ёки пудрат усулида ўз маблағлари эвазига ёки давлат банкининг қарзи эвазига қурилиши мумкин. Ҳар бир фермер хўжалиги ўзида етиштирилаётган хайвонларни вояга етгандан кейин, асосий пода таркибига ўтказилади ёки асосий поданинг сонини кўпайтиради. Асосий воситалар фермер хўжалигига қайси манбалар ҳисобидан келиб тушмасин, қабул қилиш акти тузилади ва улар шу актга мувофиқ ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни қабул қилиш далолатномаси асосан бир нусхада тузилади, қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган бўлса, у ҳолда икки нусхада тузилиши мумкин.

Далолатномага тегишли ҳужжатлар илова қилиниб бухгалтерияга топширилади. Далолатномага мувофиқ бухгалтерияда тегиш-ли проводкалар тузилади.

4. Асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларга амортизация ҳисобланади. Асосий воситаларнинг амортизацияси деб, асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришда қатнашиб ўзининг эскирган қийматини маҳсулот таннархига ўтказиб, пул шаклида қайтиб келишига айтилади. Айрим асосий воситаларга, жумладан, маҳсулдор хайвонларга, ҳамда гўштини истеъмол қилиш мумкин бўлган ишчи хайвонларга амортизация ҳисобланмайди. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашдан асосий

мақсад, уларни ишлаб чиқаришда ишлатиб, ўрнига яна асосий воситаларни сотиб олиш учун манба яратиш ёки асосий воситалар қийматини қайта тиклашдир.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ҳамма корхона ва хўжаликлар учун тавсия қилинган меъёрларга мувофиқ юритилади. Амортизация суммасини топиш учун амортизация меъёри топилади. У асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳамда хизмат муддатига қараб аниқланади. Фермер хўжаликларида асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг жадаллашган усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда асосий воситаларнинг хизмат муддати тезлаштирилади ёки меъёрда белгиланган иш бирлигидан ошиқча иш бажарган асосий воситалар учун қўлланилади. Амортизация жамгармалари фермер хўжалигининг ўз ихтиёрига биноан ишлатилади.

Асосий воситаларнинг таъмирлаш харажати турдош янги асосий воситанинг бошланғич қийматидан ошмаслиги керак. Агарда бундай ҳол содир бўлса, ишбилармон тадбиркор унда янгисини сотиб олишни маъқул кўради. Асосий воситалар таъмирлашдан қабул қилинганда, ҳар бир таъмирлашнинг таннари аниқланади. Таъмирлаш таннари деб, муайян асосий воситаларни таъмирлаш учун сарф қилинган харажатлар йиғиндисига айтилади.

Ҳар бир фермер хўжалигида ишлаб чиқаришда қатнашаётган асосий воситалар жисмоний ва маънавий эскириши мумкин.

Жисмоний эскириш деб, асосий воситалар ўзининг ишлаш қобилиятини тўлиқ йўқотиши ёки тўлиқ эскиришига айтилади.

Маънавий эскиришда эса, мазкур асосий воситалар ўрнига янги, унумли ишлайдиган, арзон асосий воситалар ишлаб чиқарилади ва олдинги асосий воситалар маънавий эскирган бўлади.

Асосий воситалар қуйидаги сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

1. жисмоний ёки маънавий эскирганда;

2. хўжаликда ошиқча бўлса (мазкур асосий воситага зарурият бўлмаса);
3. табиий офат натижасида нобуд бўлганда.

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилганда ҳам далолатнома тузилади. Фермер асосий воситадан фойдаланиш суммасини аниқлаганда, баланс қийматига бузиш учун қилинган харажатларни қўшиб, эскириш суммаси билан бузишдан олинган материаллар суммасини йиғиндиси таққосланади.

Фермер хўжаликлари ўзларига зарур бўлган асосий воситаларни сотиб олиш қобилиятига эга бўлмаса, бундай ҳолларда вақтинча фойдаланиш учун ширкат ва жамоа хўжаликларидан ижарага олишлари мумкин. Ҳозир республикамизда фермер хўжаликларига маълум ишларни бажариб бериш ва зарур воситалар билан таъминлаш ёки бошқа ёрдам кўрсатиш учун фермерлар уюшмаси тузилмоқда. Бундан фермер иш буюрувчи, уюшма эса иш бажарувчи вазифасини бажаради. Фермерлар бажарилган ишлар учун белгиланган тартибда ҳақ тўлайди.

Фермерлар бошқа ташкилот ва хўжаликлардан қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ўзларининг балансида акс эттирмайди. Ижарага олинган асосий воситалар балансдан ташқари ҳисобга олинади. Аммо, ижара ҳақи тўланади. Ижара ҳақи ҳисобланганда шартномада кўрсатилган сумма асос қилиб олинади. Ижара ҳақи хизмат ҳақи сифатида маҳсулот таннарига қўшилади. Шундай қилиб ҳар бир фермер хўжалиги йилнинг охирида ўзига тегишли асосий воситаларни рўйхатдан ўтказиши. Асосий воситаларни рўйхатдан ўтказиш учун инвентаризация ўтказилади. Ҳар бир мавжуд асосий восита инвентар карточкиси билан солиш-тирилади, зарурият бўлса карточкалардаги маълумотлар ўзгартирилади. Янги ишлаб чиқариш учун инвентар карточкалари маълумотлари асос қилиб олинади.

Ўстирилаётган ва боқувдаги чорванинг синтетик ҳисоби 1110 баланс ҳисобида юритилади. Бу ҳисоб дебетида бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг йил бошига қолдиғи, йил мобайнида кирими, ёш моллар ва бўрдоқига боқилаётган молларнинг қўшилган вазни ва ўсишининг қайта баҳоланишини акс эттиради.

**2013 йил 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони
тўғрисида маълумот**

Ш аҳар ва туманла р	Барч а хўжаликла р		шу жумладан:						
			фермер хўжаликлари				қишлоқ хўжалик корхоналари		
	011 й.	012 й.	ў сиш суръа ти, %	2 011 й.	012 й.	ў сиш суръат и, %	011 й.	2 012 й.	ў сиш суръа ти, %
Ф арғона	0174	979	8,1	92	60	3,5	57	9	,9
Қ ўқон	699	085	11,9	1	8	33,3	25	297	78,9
Қ увасой	6034	847	09,4	630	375	4,4	8	3	9,6
О лтиарик	9016	066	03,4	765	020	14,4	99	0	,0
Қ ўштепа	0532	143	02,2	427	204	4,4	70	33	13,4
Б оғдод	6246	558	8,8	714	133	2,3	33	38	1,5
Бе			1	1		1		1	7

	шарик	9895	396 5	05,8	755	801	02,6	27	59	0,0
	Б увайда	0176	344 9	06,5	309	511	08,7	46	36	98,6
	Д ангара	5479	016 3	07,2	147	239	02,9	91	9	0,0
0	Қ ува	1791	492 7	06,1	503	504	00,1	52	23	12,5
1	Р иштон	4754	814 8	07,6	603	608	00,3	0	18	
2	С ўх	9086	030 5	06,4	30	35	00,8	37	0	,0
3	Т ошлоқ	5188	760 8	05,4	243	390	06,6	0	33	
4	Ў збекист он	5504	720 5	03,1	750	585	22,3	757	0	,0
5	У чкўприк	8522	052 4	04,1	572	361	6,6	02	30	2,1
6	Ф арғона	3442	678 6	06,3	395	700	9,5	8	20	50,0

7	Ф урқат	7601	022 7	1 07,0	3 330	4 135	1 24,2	1 20	2 69	1 22,3
8	Ёз ёвон	3743	804 0	1 18,1	2 927	1 931	1 00,1	1 4	1 401	3 5025, 0

Счёт кредитида ёш молларнинг асосий подага ўтказилиши ва бошқа сабабларга (реализация қилиш, сўйиш, ва ҳ.к.) кўра хўжаликдан чиқарилиши натижасида камайиши ҳисобга олинади. Ёш чорва молларининг бир гуруҳдан иккинчисига ўтказилиши ушбу счёт ичида яъни унинг дебет ва кредитида акс эттирилади.

Туғилган ҳайвон болалари 1110 «Ўстирилаётган ва боқувдаги чорва моллари» счётининг дебетига, барча турдаги маҳсулдор моллардан олинганда - 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг 2 - «Чорвачилик» субсчети, ишчи ҳайвонлардан олинганда - 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти тегишли субсчётининг кредитида акс эттирилади. Асосий подадан брак қилиниб, боқувга қўйилган чорва моллари 1110 счёт дебети ва 9210 «Асосий воситаларнинг реализацияси ёки чиқарилиши» счётининг кредити акс эттирилади.

Сотиб олинган ва аҳолидан келишув (контракт) асосида олинган ёш чорва моллари 1110 - счёт дебетига қуйидаги счётлар кредитидан қабул қилинади: 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6890 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар» ёш чорва молларнинг келишилган қийматини кейинчалик тўлаганда. Ўстирилаётган ва бўрдоқига боқилаётган молларнинг мавжудлиги ва ҳаракати № 14 - АСК журнал-ордер, 73 - АСК, 75-АСК ведомостларда ҳисобга олинади.

«Ўстирилаётган ва боқувдаги чорва моллари» 1110 синтетик счётининг кредит оборотлари бошқа журнал-ордерлардаги тегишли ёзувлар билан таққослангандан сўнг 14-АСК журнал-ордердан Бош китобга ўтказилади. Аналитик ҳисобга мувофиқ равишда хўжаликда 14-АСК журнал-ордер қўшимча варақаларда фойдаланиб, бир йилга очилади.

2.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш хусусиятлари.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади ва ўсимликчилик, чорвачилик, саноат ишлаб чиқариш харажатларига бўлиб ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг самарадорлигини аниқлаш, таннархини пасайтириш имкониятларини топишни таъминламоғи лозим. Харажатлар ҳисобини юритиш таннарх аниқлаш ва маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижаларни аниқлаш учун ҳам хизмат қилади.

Юқорида айтганимиздек ҳар бир фермер хўжалиги ўсимликчилик, чорвачилик ва саноат тармоғига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун бу тармоқларнинг ҳар биридаги ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг таркиби ҳисобини, маҳсулотлар таннархини ҳисоблашни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Республикамызда ишлаб чиқариш харажатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган «Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) таннархига киритиладиган маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби тўғрисида ва молиявий натижаларининг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳисобга олиб борилади.

Юқоридаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари куйидагича ҳисобга олинади.

1. Моддий харажатлар.
2. Меҳнат ҳақи харажатлари.
3. Ижтимоий чегирма харажатлари.
4. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

5. Бошқа харажатлар.

Бундан ташқари давр харажатлари алоҳида ҳисобга олинади ва йил охирида молиявий натижалар ҳисобидан қопланади. Ҳар бир мустақил ҳисобланган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш харажатларини юқоридаги Низом асосида, ишлаб чиқариш технологиясига қараб харажат моддаларини ўзларининг сарф харажати турига қараб ҳисобга олади. Бунинг учун Низомда рухсат берилган.

2. Ўсимликчилик харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» синтетик сметининг «Ўсимликчилик» субсметиди:

- ўтган йилда жорий йил ҳосили учун қилинган харажатлар;
- жорий йил ҳосили учун жорий йилда қилинган харажатлар;
- жорий йилда келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатларга ажратган ҳолда, ҳар бир ўсимлик тури учун алоҳида очилган аналитик сметларда қуйидаги харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олинади:

1) уруғлар (кўчатлар); 2) ўғитлар (махаллий, минерал); 3) ўсимликларни химоя қилиш харажатлари; 4) суғурта харажатлари; 5) ерга ёки ўсимликка ишлов бериш харажатлари; 6) бошқа ташкилотларнинг бажарган ишлари (хизмат ҳақи); 7) ижара тулов-лари; 8) иш ҳақи ва ажратмалар.

Уруғ ва кўчат харажатларига уларни сотиб олиш ва саралаш билан боғлиқ харажатлар киради. Фермер хўжаликлари узида етиштирилган уруғ ва кўчатлардан фойдаланганда харажатлар йил давомида режа таннархида, йил охирида эса ҳақиқий таннархда ҳисобланади.

Суғурта харажатлари деган харажат моддасида ўсимликларни суғуртадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Ҳар бир фермер хўжалиги экилган экинни, олинани суғуртадан ўтказди, суғурта ташкилотлари табиий офат натижасида кўрилган зарарларни тўлайди. Агарда ўсимликлар суғуртадан ўтказилмаса, у ҳолда табиий офат натижасида кўрилган зарар тўланмайди.

Ерга ёки ўсимликларга ишлов бериш харажатлари. Фермер хўжаликлари ерни ҳайдаш, ўсимликларга ишлов бериш ишларини тегишли

ташкilot ва хўжаликлар ёки айрим шахсларни жалб қилиш орқали бажариши мумкин. Бундай харажатлар ҳам ишлаб чиқариш харажатларига киради. Ҳозирги кунда фермерларнинг ерларини хайдаб берувчи ёки ишлов берувчи фермерлараро ташкilotлар тузилмоқда. Фермерларнинг ерига ишлов бергани учун шартномага мувофиқ хизмат ҳақи тўланади.

Бошқа ташкilotларнинг бажарган ишлари харажат моддасида асосан, фермер хўжалигини сув, газ, электр қуввати билан таъминловчи ташкilotларнинг хизмат ҳақи ҳисобга олинади.

Ижара тўловлари деган харажат моддасида жамоа ва давлат хўжаликларидан, бошқа ташкilotлар ва аҳолидан олинган асосий воситалар учун тўланадиган ижара ҳақлари ҳисобга олинади.

Иш ҳақи ва ажратмалар харажат моддасида доимий ва четдан жалб қилинган ишчиларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари ижтимоий суғурта ва таътилга ажратмалар билан қўшиб ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар, асосий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи кўмакчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳам юқорида айтилган «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» деган синтетик счот қошида очилган айрим аналитик счотларда ҳисобга олиш мумкин.

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари, фермер хўжаликлари бир неча ўсимликчилик ёки чорвачилик тармоғига ихтисослашган пайтда, алоҳида ҳисобга олинади ва тақсимланади.

Шундай қилиб йил давомида ўсимликчилик учун қилинган харажатлар ўсимлик (экин) турлари бўйича алоҳида, ишлаб чиқариш ва йиғиштириш харажатларига бўлинган ҳолда ҳисобга олинади.

Бу ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш уларнинг таннархини алоҳида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фермер хўжаликларида йил давомида ишлаб чиқариш учун харажат қилинсада, маҳсулотлар мавсумий равишда олинади. Чунки, қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқариш харажатлари доимий бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш, ерга, табиатга, мавсумга боғлиқ. Шунинг учун ҳам деҳқончилик маҳсулотлари етилишига қараб йиғиб олинади. Улар йиғиб олинганда, доимий ёки четдан вақтинча жалб қилинган ишчилар ёрдамида йиғиб олиниши мумкин. Бунда ҳар бир ишчи учун ҳосилни йиғиб олиш кундалиги юритилади. Кундаликда ҳосил йиғилган кун, ҳосилни териб олган кишининг насли ва исми, териб олинган ҳосилнинг миқдори кўрсатилади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳосилни йиғиб олишда қатнашган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар йил давомида қабул қилинганда режа таннархида қабул қилинади. Тайёр маҳсулотлар йил давомида ўзининг эҳтиёжи учун ишлаб чиқаришга сарф қилинса ёки сотишга жўнатилса ҳам режа таннархида ҳисобланади. Йилнинг охирида эса ҳақиқий таннарх аниқланиб, режа таннархи билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарққа қўшимча проводка берилади.

Йил охирида ўсимликчиликдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини аниқлаш учун маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар маҳсулотлар таннархига қўшилади. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари алоҳида ҳисобга олинганда улар тақсимланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари айрим маҳсулотлар таннархига тақсимланганда бу ҳақиқатда сарф-ланган бевосита харажатлар йиғиндисига мутаносиб равишда тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжаликларида ҳам ўсимлик туридан бир неча маҳсулот олинганлиги сабабли уларнинг таннархини аниқлашда бир мунча мураккабликлар мавжуд. Масалан: беда ўсимлигидан беда пичани, кўк масса, уруғ ва тўпон олинса: бўғдой ва арпа ўсимлик-ларидан дон, сомон, чиқит

олинади. Маккажўхори кўк масса учун экилса кўк масса олинади, дон учун экинлганда дон ва поя олинади. Бундан ташкари, фермер хўжаликлари ердан унумли фойдаланиш учун оралиқ экинлари ёки аралаш экинлар ҳам экишлари мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотлар таннархи қандай аниқланишини алоҳида кўриб чиқиш лозим. Маккажўхори масса учун экилса, у ҳолда таннархи жами харажатларни олинган кўк масса миқдорига бўлиш билан аниқланади.

Дон маҳсулотларининг таннархи аниқланганда дон, сомон ва чиқитларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар йиғиндиси топилади. Ундан сомоннинг қиймати - норматив суммаси айрилиб, дон билан чиқит шартли маҳсулотларга айлантирилади. Чиқит таркибида дон миқдори аниқланиб, чиқит донга айлантирилади, натижада жами шартли маҳсулот миқдори аниқланиб, харажатлар суммаси шартли маҳсулотлар миқдорига бўлинади,

Дон ва бошоқли экинлар фермер хўжаликларида асосан ем-хашак учун экилади. Шунинг учун ҳам дон, бошоқли ва дуккакли экинларнинг таннархи уларнинг озуқа бирлигига қараб аниқлангани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. Чорвачилик тармоғи аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни ҳам ашё, деҳқончиликни бой маҳаллий ўғит билан таъминлайди. Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги фермер хўжаликларининг кўпчилиги чорвачиликка ихтисослашган.

Фермер хўжаликларида чорвачилик харажатлари 2010 счетнинг - «Чорвачилик» субсчетеда ҳар бир чорва тури, ҳайвонларнинг ёши, гуруҳлари бўйича қуйидаги харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олинади: 1) ем-хашак (ширали, дагал); 2) иш ҳақи ва ажратмалар; 3) ҳайвонларни ҳимоя қилиш харажатлари; 4) суғурта харажатлари; 5) бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақи; 6) ижара тўловлари; 7) бошқа харажатлар.

Ем-хашак деган харажат моддасида чорва ҳайвонлари учун сарф қилинган ем-хашаклар йил давомида режа таннархида ҳисоб-ланиб, йил

охирида ҳақиқий таннархда ҳисобланади. Ем-хашаклар, ўзида ишлаб чиқарилиши ёки четдан сотиб олинанишидан қатъий назар, чорва ҳайвонлари учун тузилган ем-хашак сарфи тўғрисидаги рационга асосан сарфланади.

Рацион икки мақсадда тузилади:

1. Чорва ҳайвонларини асраш учун.
2. Чорвадан олинадиган маҳсулот миқдори учун.

Рацион илмий асосда, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун тузилади. Чорвачиликда рационга асосан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ем-хашак озуқа бирлиги аниқланади. Бир озуқа бирлиги қилиб, 1 килограмм сўлининг тў-йимлилиги қабул қилинган. Шунга қараб бошқа экинларга ҳам илмий асосаланган ҳар хил коэффициентлар ўрнатилган.

Шундай қилиб чорвачиликда ишлаб чиқариш учун ем-хашак сарф қилинса бухгалтерия ҳисобининг счетларида қуйидагича акс эттирилади. (Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ем-хашакни 10 -счетада ҳисобга олиши мумкин):

Дебет 2010 сечтининг - «Чорвачилик харажатлари» субсечтининг тегишли аналитик сечети.

Кредит 1060 - «Ем-хашак ва тўшамалар» сечтининг тегишли аналитик сечети.

Ҳозирги кунда чорвачиликда асосий харажатни ем-хашак харажатлари ташкил қилади. Ҳар қандай асосий хўжаликда чорвачиликка сарф қилинган ем-хашак ўзини қоплайди. Аммо, давлат ва жамоа хўжалигида чорвачилик доимий равишда зарарли тармоқ бўлиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби, тўпланган ёки сарфланган ем-хашак сарфининг ўз вақтида назорат қилинмаслигидир. Зеро, сарф қилинган ем-хашак фермер хўжалиги шароитида тўлиқ назоратдан ўтади ёки доимий назорат қилиб турилади.

Чорвачиликда ем-хашакдан кейинги ўринда иш ҳақи сарфи туради. Иш ҳақи ва ажратмалар деган харажат моддасида фермер хўжалиги учун сарф қилинган иш ҳақи ҳамда ижтимоий суғурта ва таътил учун ажратмалар

ҳисобга олинади. Молбоқарларга иш ҳақи, олинган сут, бузук, ортган вазн, қирқиб олинган жун ва ҳоказолар бирлиги учун ҳисобланади. Шунинг учун чорвачиликда маҳсулотларни қабул қилиш кундалиги иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Чорва ходимларига иш ҳақи ҳисобланса:

Дебет 2010 счетнинг «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик счетлари.

Кредит 6710 «Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» смети.

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш деган харажат моддасида, чорва ҳайвонларининг турли хил кассалликларга қарши эмлаш ва даволаш учун сарф қилинган дори-дармонлар, бажарилган иш хизматлар ҳақи ҳисобга олинади. Ҳайвонларни эмлаш ва даволаш ишлари фермернинг ўзи, ишчилари ки турли хил ветеринария ташкилотлари томонидан ўтказилиши мумкин. Ветеринария ташкилотлари томонидан иш ва хизматлар бажарилса:

Дебет 2010 счет «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик счетлари.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетовнинг «Ветеринария ташкилотлари билан ҳисоб-лашишлар» аналитик смети.

Ветеринария ташкилотларига бажарган хизматлари учун ҳақ тўланса, у ҳолда:

Дебет 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетовнинг «Ветеринария ташкилотлари билан ҳисоблашишлар» аналитик смети.

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб смети» смети.

Суғурта харажатлари харажат моддасида чорвачиликдаги мавжуд ҳайвонлар ва бошқа шу соҳага хизмат қилувчи асосий воситалар учун суғурта ташкилотларига тўланадиган суғурта бадаллари акс эттирилади.

Чорва ҳайвонлари ва тегишли асосий воситалар суғуртадан ўтказилса, у ҳолда:

Дебет 2010 счет «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик счётлари.

Кредит 6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счёти.

Суғурта ташкилотларига суғурта бадаллари ўтказиб берилганда:

Дебет 6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счёти.

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти.

Бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақи деган харажат моддасида бошқа ташкилотлар ёки корхоналарнинг фермер хўжалиги учун бажарган ишларининг қиймати акс эттирилади.

Ижара тўловлари деган харажат моддасида ижарага олинган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади. Фермер хўжалик-лари чорва ҳайвонларини боқиш учун зарур бўлган иморат, ин-шоот ва бошқа асосий воситаларни давлат корхоналаридан, жамоа хўжаликларидан, аҳолидан ижарага олиш ҳуқуқига эга. Ижарага олинган асосий воситаларнинг харажатлари алоҳида ҳисобга олинади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига қўшилади.

Бошқа харажатлар деган харажат моддасига харажат моддасида кўрсатилмаган харажатлар - ишчилар учун махсус кийимлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қиймати киради.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда асосий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи кўмакчи ишлаб чиқариш харажатларини юқорида айтилган «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» синтетик счёти қошида очилган субсчётларда ҳисобга олиб бориш мумкин.

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари фермер хўжалиги бир алоҳида ҳисобга олинади ва йил охирида тақсимланади.

2.3. Фермер хўжалигида тайёр маҳсулотларни ва сотишни ҳисобга олиш хусусиятлари

Ҳар бир фермер йил бошида маҳсулот ишлаб чиқариш учун ўзининг режасини тузади. Мамлакат бўйича қандай маҳсулот танқис, тақчил бўлса ана шу маҳсулотни етиштиришга ҳаракат қилади. Фермер ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сифати ва миқдорини камайтирмасдан тўлиғича йиғиб олишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай фермер хўжалиги етиштирган маҳсулотини хоҳлаган пайтда, истаган йўналиш орқали қонуний тарзда ўз талабини қондирадиган баҳода ёки олдидан тузилган шартномаларга мувофиқ сотиши мумкин. Агарда, четга чиқариб сотадиган бўлса, у ҳолда маҳсус рухсатномага эга бўлиши керак.

Фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг йиғиб-териб олинган қисми ҳисобга олинади.

Даладан ёки чорва ҳайвонларидан олинган маҳсулотлар қабул қилиш акти ёки кундалигига мувофиқ қабул қилинади. Даладан қабул қилинган маҳсулотлар ўзида қайта ишлатиш ёки сотиш учун сараланади. Айрим ҳолларда улар узоқ муддатга сақланади. Сақланаётган маҳсулот ҳам вақти-вақти билан сараланади, бу ўз навбатида тегишли харажатларни талаб қилади.

2. Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар сотиш учун маҳсус жойларда сақланса (иссиқхона, совуқхона, ертўла ва бошқа), у ҳолда сақлаш ва саралаш билан боғлиқ харажатлар алоҳида «Ўз тижорат харажатлари» деган ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Хусусан, маҳсулотларни саралаш, сақлаш, юклашда қатнашган ишчиларни иш ҳақи, иссиқхона, совуқхона, ертўлаларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, маҳсулотларни сотиш учун талаб қилинадиган идиш, турли қути ва материаллар қиймати, сотиш билан боғлиқ транспорт харажатлари шулар жумласидандир. Маҳсулотларни сотишда қатнашаётган хизматчилар учун муомала харажатлари ёки бозорни ўрганиш бўйича қилинган харажатлар ҳам

ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар йил охирида ёки маҳсулот сотиб бўлингандан кейин сотилган маҳсулот ёки сотиш учун қолдирилган маҳсулотларнинг қийматига белгиланган тартибда тақсимланади. Тақсимлаш қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Оддий усулда.
2. Сақланаётган маҳсулотнинг миқдорига мутаносиб равишда.
3. Сотилган маҳсулотнинг қийматига қараб.

Шундай қилиб сотиш билан боғлиқ харажатлар 9410 «сотиш харажатлари» сечетининг дебет қисмида тўпланади.

3. Юқорида айтганимиздек ҳар қандай фермер хўжалиги ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Шу боис улар ўзлари оладиган даромаднинг доимийлиги, аниқлигини таъминлаш учун олдиндан, йил бошида харидор ва буюртмачилар билан шартнома тузадилар.

Фермер ўз харидорлари олдида тузилган шартноманинг бажарилиши учун тўлиқ жавобгар. Харидор ҳам шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгардир. Фермер билан харидор ўртасида шартнома тузилганда, фермер қуйидаги мажбуриятларни олади:

1. Маҳсулотни сифатли ва бирлиги аниқ кўрса тилган ҳолда, белгиланган вақтда етказиб бериш.
2. Етиштирилган маҳсулотларни энг аввало шартномага мувофиқ жўнатиш.
3. Шартномадан ошиқча қисми ўз хоҳиши бўйича тақсим қилинади.

Фермер шартномани давлат, ширкат, тайёрлов, савдо ташкилотлари билан ҳам тузиши мумкин.

Шартномага мувофиқ маҳсулотларни йиғиштириш, ташиш харажатлари ўзаро келишилади. Бундай харажатларни фермер ўз зиммасига олса, у ҳолда, йиғиштириш ва ташиш харажатлари маҳсулотлар таннархига тўлиқ қўшилади. Агар бу харажатларни харидор ўз зиммасига олса, у ҳолда транспорт-тайёрлаш харажатларига қўшилади.

Фермер хўжаликларида маҳсулотлар сотишга жўнатилса талабнома орқали расмийлаштирилади. У маҳсулотни жўнатувчи томонидан тўлғазилади. Бу ҳужжатда жўнатувчи ва қабул қилувчи ташкилотларнинг номи, манзилгоҳи кўрсатилади. Шу билан биргаликда жўнатилаётган маҳсулотнинг номи, миқдори, сифати, суммаси кўрсатилади. қабул қилувчи ташкилот жўнатилган маҳсулотларни қабул қилганлиги тўғрисида ҳужжатга имзо чекиб бир нусхасини қайтариб беради. Талабномаларга мувофиқ қабул қилинган маҳсулотларнинг пулини тўлаш учун тўлов қоғоз берилади.

Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар сотишга жўнатилса, қуйидагича проводка берилади:

Дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» сечетининг тегишли аналитик сечети.

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» синтетик сечетининг тегишли аналитик сечети.

Фермер хўжаликларида олинган тайёр маҳсулотнинг ҳар бири учун алоҳида аналитик сечетлар очилади. Аналитик сечетлар маълумотларига қараб қилинган ёки ишлатилган, сотишга жўна-тилган маҳсулотларнинг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олинади.

Аналитик сечетлар йиғиндиси 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» синтетик сечетининг йиғиндисига тенг бўлиши керак. Тайёр маҳсулотларни сотишда 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» синтетик сечетининг қошида ҳам ҳар бир сотилган маҳсулотлар учун алоҳида аналитик сечетлар очилади.

Аналитик сечет маълумотларида сотиш учун жўнатилган маҳсулотлар ҳамда сотишдан 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» сечети қошида очилган аналитик сечет маълумотларига қараб ҳар бир маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижалар аниқланади. Бу маълумотлар ҳар бир маҳсулот турлари бўйича иқ-тисодий самарадорликни аниқлашда тайёр иқтисодий ахборотдир.

Шундай қилиб 9110 сметининг дебет қисмида сотилган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида, охирида ҳақиқий таннархда акс эттирилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги ишлаб чиқаришни даромад, фойда олиш мақсадидан келиб чиқиб режалаштиради. Фойда келтирадиган тармоқни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Фермер хўжаликлари ўз маҳсулотларини бошқа хўжалик ва корхоналарга нафақат сотиш, балки, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига алмаштириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар йил охиригача аниқланмаслиги мумкин. Чунки, у маҳсулотни сотиб улгурмаслиги ёки келгуси йили сотиш учун қолдириши мумкин. Бундай пайтларда сотишдан олинган даромадлар келгуси йилда аниқланади. Шунинг учун 9110 смети қошида аналитик сметларни юритганда ўтган йилдан қолган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни алоҳида аниқлаш учун алоҳида аналитик сметлар юритиш мақсадга мувофиқдир. Фермер хўжаликларида сотишга жўнатилган маҳсулотлар асосан харидорларга жўнатилганлиги, харидорлар тайёрлов ташкилотлари ҳамда қайта ишловчи корхоналар бўлганлиги сабабли 4010 смет қўлланилади. Фермер хўжаликлари тайёрлов ташкилотлари билан ҳисоблашганда, тайёрлов ташкилотлари ўтган (зачет) вазнга кўра ҳақ тўлайдилар. Фермер хўжаликларида маҳсулотлар даладан қабул қилинганда жисмоний (физик) вазнда қабул қилинади. Сотиш учун топширилганда кондицион (зачет) вазнда топширилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва материал қийматлари сметлари ёпилгандан кейин 9 бўлимдаги 9010-9890 сметлар ёпилади. Бу сметларнинг дебет қисми билан кредит қисми солиштирилади ҳамда фарқи 9900-«Якуний молиявий натижа» смети билан ёпилади.

Фермер хўжалигининг фойда ва зарарлари аниқлангандан кейин, 9010-9890 сметлар ёпилгач, қолдиқ қолмаслиги керак.

Шундай қилиб балансдаги сметлар навбати билан ёпилади. Аналитик сметлар бўйича муомала (оборот) ведомостлари тузилади ва синтетик сметлар

маълумотлари билан солиштирилади. Синтетик счетлар бўйича муомала ведомости тузилиб унинг маълумотларига мувофиқ баланс тузилади.

III боб. Аграр соҳа хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари

3.1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоботларини тузиш хусусиятлари

Фермер хўжаликлари ўзларининг мавжуд маблағларидан қандай фойдаланганлигини ёки мавжуд маблағларидан тўлароқ фойдаланиш даражасини аниқлаш учун йил охирида ҳисобот тузади.

Ҳисоботларда мавжуд маблағларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги ҳолати солиштирилади. Асосий воситалар тўғрисида ҳисобот асосан икки қисмдан иборат бўлади. 1-қисми иморат-иншоотлар, техника воситалари бўйича тузилади. 2-қисми эса фақат маҳсулдор ҳайвонлар бўйича тузилади.

Фермер хўжаликларида ҳисобот маълумотларига мувофиқ келгуси йил фаолият йўналишлари режалаштирилганда мавжуд асосий воситаларнинг қувватига таянилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бўлган асосий воситаларни сотиб олиш ёки ижарага олиш режаси тузилади ҳамда ҳисобот маълумотларига мувофиқ иқтисодий таҳлил қилинади. Асосий воситалар бирлиги эвазига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилгани ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун неча сўмлик асосий воситалар тўғри келганлиги аниқланади. Юқоридаги кўрсаткичлар режа билан таққосланади. Режага нисбатан фарқ суммаси ва сабаблари аниқланади, тегишли тадбирлар қўлланади. Материал қийматликлар бўйича ҳисобот ҳам йил охирида тузилади.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сарфи тўғрисида ҳисобот тузади. Бу ҳисоботга мувофиқ фермер хўжалиги ишлаб чиқарилган жами маҳсулот хажми, уларнинг сарфини аниқлайди ҳамда режа билан солиштиради. Режадан фарқини аниқлаб, фарқнинг сабаб-ларини ўрганади ҳамда тегишли тадбирлар қабул қилади, бундай заруриятга қараб ҳар ойда ҳам тузиш мумкин.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоботи. Мазкур ҳисоботга мувофиқ жами ишлаб чиқариш харажатлари суммаси ҳамда олинган маҳсулотлар ҳажми аниқланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат моддаларига бўлинган ҳолда кўрсатилади. Чунки, шбу ҳисобот маълумотларига мувофиқ, ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатлар билан солиштирилади ва таҳлил натижасида тегишли тадбирлар амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.

Ўзбекистон Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сонли буйруғининг 2 иловасига мувофиқ юридик шахс ҳисобланган ҳар бир корхона ва хўжаликлар мулкчилик шаклидан қатъий назар, жумладан фермер хўжаликлари ҳам ҳар йили молиявий ҳисобот тузади ва қуйидаги ташкилотларга топширилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш (келгуси йил ҳосили учун сарф қилинган) харажатлар, тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннархда акс эттирилади. Шунингдек, хўжалик кассасида, ҳисоблашишлар сметидаги пул маблағлари, мол етказиб берувчиларга олдиндан тўланган пул маблағлари, харидорларнинг тўлай олмаган (дебитор) қарзлари, давлат бюджетига олдиндан тўланган тўловларнинг ҳақиқий суммалари кўрсатилади.

Ҳозирги кунда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда маҳсулот (иш,хизмат) сотишдан тушган тушум 4600 сметидаги кредит томонидаги оборот (айланма) суммаси кўрсатилади. Шунингдек, соф тушум ёзилади. Соф тушумни аниқлаш учун жами сотишдан тушган тушумдан қўшилган

қийматга солиқ, акциз солиғи айрилади ёки Низомга мувофиқ ушбу шаклда сотишдан олинган ялпи фойда ёзилади.

Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа хўжаликларнинг маҳсулотларини сотганда ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари, хўжалик тизимида (балансдаги) мавжуд саноат ишлаб чиқаришнинг маҳсулотини сотганда умумий тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳам ялпи фойда суммаси аниқланганда 4600 «Маҳсулотларни сотиш» счетининг дебет ва кредит айланмалари (оборотлари) солиштирилади. 4600-счетнинг йил охиридаги кредит қолдиғи маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммасини кўрсатади.

Корхона ва хўжаликларнинг молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи бу соф фойдадир. Ялпи фойдадан турли чиқимлар, тўловлар, солиқлар тўланганидан кейин қолган фойда соф фойда деб юритилади.

9010-9030 маҳсулот, товар хизматларни сотишдан олинган фойда (зарарлар), счетлари асосан 9110-9130 счетлар билан солиштирилади.

9410-9440 счётлар актив счет мазмунини беради ва 9010 субсчета билан ёпилади.

9310-9390 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» ҳисоби счётларида ўтган йилги маҳсулотларни сотишдан олинган даромад, асосий воситаларни, номоддий активларни, ошиқча бўлган материалларни сотишдан олинган даромадлар, ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун тўланган жарима, устамалар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ айрим харажатлар.

9510-9590 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби» счётларида қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришни белгилаган режада амалга ошириш мақсадида қарз (кредит) лар олади, албатта. Бунинг учун эса фоизлар тўлайди. Худди шунингдек бўш турган маблағларни банк муассасаларида сақлайди ёки бошқа корхона ва хўжаликларга қарз бериш эвазига даромадлар олади. Ҳозирчалик қишлоқ хўжалиги корхоналарида бундай муомалалар кам бўлса-да, келажакда даромад манбаи эканлиги

хаммага аниқдир. Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлгани учун, қишлоқ хўжалиги корхоналари кам чет эл валюталаридан кенг фойдаланмоқда. Албатта, валютадан фойдаланишда маълум миқдорда ижобий ёки салбий натижага эга бўлиши мумкин, чет эл валютасидан фойдаланишдаги харажат ва даромадлар молиявий натижаларга таъсир қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан мулкнинг ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳоланиши амалга оширилади. Асосий воситаларни қайта баҳолашдан олинган даромад ва зарарлар молиявий натижаларга таъсир этади.

9710 «Фавқулудда фойда» ва 9720-«Фавқулудда зарарлар» счётида корхона фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фавқулуддаги фойда ва зарарлар ҳисобга олинади.

Йил охирида 9010-9720 счётлар ва 9810-9890 счётлар ёпилади. қишлоқ хўжалиги тизимидаги хўжалик субъектлари «Солиқ кодексининг 28-моддасига» мувофиқ даромаддан имтиёзли солиқ тўлайди». Қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий натижа жамоанинг умумий мажлиси қарорига асосан тақсимланади. Жамоанинг умумий мажлисида, бошқарув раиси хўжаликнинг ишлаб чиқариш, молиявий фаолияти ва молиявий натижалари ҳақида ҳақиқий ҳисоботни бериши зарур.

Молиявий ҳисоботнинг учинчи шакли асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдир. Бу ҳисоботда фермер хўжаликларининг асосий воситалари, туркумлари бўйича йил бошидаги бошланғич қолдиғи , янгиланиши, эскириш суммаси ва йил охиридаги бошланғич ва қолдиқ суммаси шаклида кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботнинг тўртинчи шакли пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдир. Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисоботда фермер хўжаликларининг, хўжаликка келиб тушган тушумлар ва чиқимлар, харидорлардан, буюртмачилардан банкдан, инвесторлардан келиб тушган

тушум шаклида, хўжалик фаолиятини юритишда зарур харажат ва тўловлар турлари бўйича кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботнинг бешинчи шакли хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдир. Бу ҳисоботда фермер хўжаликларининг ўз капиталининг ҳаракати акс эттирилади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сарфи тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ олинган даромадлар ҳам алоҳида ҳисоботда кўрсатилади. Молиявий натижалар ва молиявий ҳолатини аниқлаш учун ҳам алоҳида ҳисобот тузиш мумкин. Молиявий натижаларнинг тақсимланиши фермер хўжалиги жамоасининг мажлиси қарори билан расмийлаштирилади. Даромадларни тақсимлаш тўғрисидаги қарордан бир нусхаси маҳаллий ҳокимиятга, бир нусхаси давлат солиқ бошқармасига топширилади. Бундан ташқари, ҳар бир фермер хўжалиги ўзининг хўжалигидаги маблағлар ҳаракати ва ҳолатини кўрсатувчи хўжалик балансидан бир нусхадан хизмат кўрсатувчи банкга, давлат солиқ бошқармасига топширишга мажбурдир. Фермер хўжалигининг топширган балансига қараб солиқ бошқармаси давлатга тўланадиган солиқлар суммасининг тўғрилигини аниқласа, банк муассасалари мазкур фермер хўжалигининг молиявий ҳолатига баҳо беради, хўжаликнинг тўлов қобилиятини аниқлайди.

Хулоса

Битирув малакавий ишини тайёрлаш давомида Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ҳолати, динамикаси ва улардаги асосий кўрсаткичлар таҳлили, уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш хусусиятлари, аграр хўжаликларида хўжалик муомалалари ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Миллий иқтисодиётда фермер хўжаликлари фаолияти ва уларни баҳолаш ҳамда аграр хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий масалалари мустақил тадқиқот ишининг биринчи бобида баён этилган.

Иккинчи бобда фермер хўжаликларида асосий воситалар ҳисоби, ишлаб чиқариш, сотиш ва молиявий натижалар ҳисобининг хусусиятлари ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариш натижасида асосий воситалар вақт мобайнида, табиат кучлари таъсирида ва эксплуатация жараёнида аста-секин эскиради. 5-сонли БХМС га мувофиқ эскириш – асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий характеристикасининг йўқолиши жараёни сифатида таърифланади. Стандартга мувофиқ амортизация ҳисоблашнинг бир неча хил усуллари келтирилган, лекин Қува тумани фермер хўжаликларида амортизация ҳисоблашнинг асосан тўғри чизиқли усули қўлланилади. Чунки бу усулни қўллаш қулай ва солиқ органлари текширувида уларнинг ҳисоби бир хилда бўлади. Аммо фермер хўжалиги учун машина ва таркторларга амортизация ҳисоблаш ишлаб чиқариш усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Фермер хўжалигида ижарага олинган асосий воситаларга эскириш ижарачи томонидан «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар» сметида мулкни ижарага бериш шартномаси тузган томонларнинг вакиллари иштирокидаги комиссия тарафидан келишилган тўлиқ қиймати бўйича ҳисобга олиниши тўғри йўлга қўйилмаган. Ишчи ҳайвонларга ва кўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисоблаш юзасидан қуйидагича тавсиялар берилди.

Ишчи ҳайвонларга эскириш ҳисоблашда

ДТ 2010 эскириш суммаси

КТ 0270 эскириш суммаси

Кўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисоблаш

ДТ 2010 эскириш суммаси

КТ 0280 эскириш суммаси

бухгалтерия ўтказмалари тузилади

“Эркин Алиев” фермер хўжалигида йил давомида жорий активлар йил охирида йил бошига нисбатан 1,06 марта ортган, бу эса шу корхона учун яхши кўрсаткич бўлиб, корхонанинг актив ишлаётганлиги ва оборот амалга ошираётганлигини кўрсатади. Йил давомида корхона 330063 минг сўм соф фойда олган. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 5506 минг сўм куп соф фойда олган. Бу акционерлик жамияти учун яхши натижа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. –Т.: Ўзбекистон, 1995
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.–Т: Ўзбекистон, 2009
3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Фарғона ҳақиқати. 2013 йил 23 январ, 6 сон.
4. Каримов И.А. “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзудгаи конференция очилишидаги нутқи. Ўзбекистон овози. 2013 йил 18 апрел. 45-46 сон.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т., «Ўзбекистон», 2010.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., «Ўзбекистон», 2009.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
8. Ўзбекистон Руспубликасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Т., 30 август 1996.
9. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Т., 25 май 2000.
- 10.6-БҲМС "ИЖАРА ҲИСОБИ" Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 11.0-БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан

руйхатга олинган 14.08.1998 й. N 475 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 26.07.1998 й. N 17-07/86.

5-БҲМС “АСОСИЙ ВОСИТАЛАР” ЎЗР АВ томонидан 20.01.2004 й. 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирининг 09.10.2003 й.114-сон буйру

И.А.Каримов - “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар чуқурлашувининг асосий йўналишлари”, Т.: “Ўзбекистон” 1995.

1. И.А.Каримов - “Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич”, Т.: “Ўзбекистон” 1995.

2. И.А.Каримов - “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон” 1997.

3. И.А.Каримов - “қишлоқ хўжалик тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи”, Т.: “Ўзбекистон” 1998.

4. И.А.Каримов - “Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи”, Т.: “Ўзбекистон” 1994.

5. И.А.Каримов - “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: “Ўзбекистон” 1995.

6. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонуни, 30 август 1996 йил.

7. Р.Раджапов, Р.Дўстмуродов - “қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби”. Нукус “Билим” 1995.

8. Р.Раджапов, Р.Дўстмуротов - “Дехқон (фермер) хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш”, Т.: «Агроинформ» 1993.

9. Р.Дўсмуратов - “Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини ташкил этиш”, Т.: 1995.

10. А.Ризақулов - “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби”, Т.: “қатортол - камолат” 1998.

11. Т.Саидибрагимов, Р.Дўстмуротов - “қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобидан машқлар тўплами”, Т.: 1990.

12. Иқтисод ва ҳисобот. Ойнома 1994-2000.

13. Солиқ тўловчининг журнали 1996-2000.

14. Давлат статистика қўмитасининг “Дехқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини

ҳисобга олиш методикаси” ни тасдиқлаш тўғрисидаги 2012 йил 29 мартдаги
№5-сонли қарори